

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 7-сон**



### Адабиётлар рўйхати

1. Бадиий таржиманинг актуал масалалари. Тошкент Фан. 1977й. 230 б.
2. Домлалар китобига киритилган мақоладан “Қалбимизга яқин олима”. Озод Шарофиддинов. 2009 й. Тошкент. “Маънавият” 231б.
3. Таржима назариясига кириш. Саломов Ғ. Тошкент Фан 1978й. 219 б.
4. Адабий анъана ва бадиий таржима. Тошкент Фан 1980й. 158 б.

### “БОБУРНОМА” ҲАМИД ДАЛОВ ТАРЖИМАСИДА

Абдурахмонова Дилрабо Кодиржонова

Наманган давлат университети

катта ўқитувчи

Тел:94 275-16-06 e-mail: abdurakhmonova.dilrabokhon@inbox.ru

***Аннотация.** Мақолада ўзбек адабиётининг нодир дурдонаси Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини янги немисча таржимаси тўғрисида фикр юритилади. Ишда мазкур нашрнинг аввалги таржималардан фарқ қилувчи томонлари кўрсатилиб, унинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилар экан, келажакда асарнинг мазкур янги немисча таржимаси мисолида қиёсий-тарихий ва чоғиштирма таҳлил асосида монографик тадқиқот олиб боришнинг муҳимлиги асослаб берилади.*

***Таянч сўз ва иборалар:** жаҳон шарқшунослари, таржима, форс тили, асар, таржима назарияси тадқиқотчи, янги нашр, илмий, қиёсий таҳлил қилиш.*

### “БАБУРНОМА” В ПЕРЕВОДЕ ХАМИД ДАЛОВА

Абдурахмонова Дилрабо Кодиржонова

Наманганский государственный университет

Тел:94 275-16-06 e-mail: abdurakhmonova.dilrabokhon@inbox.ru

***Аннотация.** Эта статья гласит о новом переводе Бабурнаме на немецком языке, являющийся одним из ярких примеров узбекской литературы. Здесь показаны некоторые аспекты, которые не находят своих настоящих изложений и уделено внимание на его определенные стороны. В будущем намеревается выполнение монографического анализа над сравнительно исторической и специфической основы с помощью нового перевода этой работы на немецкий язык.*

***Ключевые слова и выражения:** Мировые востоковеды, перевод, персидский язык, произведение, трэотический перевод следовательно, новый выпуск, научный, сравнительный анализ.*

### “BOBURNAME” TRANSLATED BY HAMID DALOV

Abduraxmonova Dilrabo Kodirjonovna

Namangan State University

Тел:94 275-16-06 e-mail: abdurakhmonova.dilrabokhon@inbox.ru

***The Abstract:** This article talks about the new German translation of Boburnoma, one of the brightest examples of Uzbek literature. Here, it is shown some aspects that could not be shown its*



*previous translations and paid attention its particular sides. In the future it is intended to carry out a monographic analysis on a comparative-historical and specific basis with the help of this new German translation of the work.*

**Key words:** *comparative analysis, translation, work, new edition, Persian language, investigator, world orientalists, scientific, theoretical translation.*

Жаҳон адабиётида Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг сулоласи ҳақида, “Бобурнома” ва Бобур шеърляти тўғрисида жуда кўплаб асарлар ёзилган ва “Бобурнома” га ўз ўрнида Европа олимлари ҳам жуда кўп бора муурожаат қилишган ва ўз муносабатларини билдиришган. Бунга мисол тариқасида “Бобурнома” нинг бир неча бор инглиз, немис, француз тилларига қилинган таржималарини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Немис адабиётида Бобур ва унинг илмий мероси кўплаб шарқшунослар томонидан ўрганилган ва ҳамон ўрганилмоқда [1].

Дунё миқёсида “Бобурнома”ни тадқиқ ва таржима қилиш нуқтаи назаридан қараганда у хатто Алишер Навоий ижодига нисбатан ҳам кўпроқ муурожаат қилинганлиги билан характерланади. Сабаби, мавжуд тадқиқотлар моҳиятига кўра, ушбу асарнинг Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон халқларининг тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, турмуш тарзи, географияси, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига оид батафсил маълумотларга бой эканлиги

билан, айниқса, ўша даврга оид ҳарбий юришлар, тактикалар, теурий шаҳзодалар тўғрисида қимматли маълумотларнинг мавжудлигидир.

Асарни форс тилига таржима қилишнинг ташаббускори Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ўзи ҳисобланади. Унинг ҳозирда тўртта форсча таржимаси мавжуд. Асарнинг дастлабки форсча таржимаси Шайх Зайниддин томонидан амалга оширилган [2] бўлиб, у 1525-1526 йиллар орасидаги ўн бир ойлик воқеаларни қамраб олган холос. Иккинчи форсий таржима Ҳасан Пояндахон бошлаб, 1586 йилда уни Муҳаммадқули Ҳисорий охирига етказган [3]. Асарнинг форс тилидаги тўлиқ таржимаси Акбаршоҳ даврида Абдурахимхон ибн Байрамхон [4] томонидан амалга оширилганлигини таъкидлаш керак. Мазкур таржима асарининг дунёда кенг тарқалишида муҳим рол ўйнаган. Таржимашунос Н.Отажоновнинг таъкидлашича, ушбу манба нусхалари Лондон, Париж, Санкт-Петербург, Калькутта кутубхоналарида сақланмоқда [5]. 1912 йилда асарни Тоғаймурод Қарлуқ Хатлоний форс тилига таржима қилган. Бу тўртинчи таржима ҳозирда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда [6].

Кейинги йилларда ушбу асарга немис тадқиқотчиларининг қизиқишлари тобора ортиб бораётганлигини кўриш мумкин. 2016 йил “Бобурнома”нинг янги немисча таржимаси яратилди. Ушбу таржима Германияда Пфорцҳайм шаҳрида фаолият кўрсатаётган ватандошимиз, тарихчи олим Ҳамид Далов [7] томонидан амалга оширилди. Немис тилига таржима “Бобурнома”нинг ўзбек тилида Ҳамид Сулаймон тайёрлаган 1970 йилдаги нашрдан ва Сабохат Азимжоновнинг русча таржималаридан фойдаланилган ҳолда амалга оширилган. Янги немисча нашрга Бобур даврига оид 15та рангли миниатюралар суратлари ҳамда 3 та ўша даврга оид стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим хариталар ҳам киритилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.



Айгиш керакки, “Бобурнома”нинг Ҳамид Далов талқинидаги таржимаси аввалги таржималардан кўп жиҳатлари билан ажралиб туради. Таржимон асарни тўла қамраб олиш баробарида аслиятни немис ўқувчисига тўлақонли тарзда етказиб беришга ҳаракат қилган. Лекин шундай бўлса-да, мутаржим таржима жараёнида айрим ўринларда аслиятнинг хиралашиши ва қисқартирилишига йўл қўйган.

Биз буни асардаги жой номлари таржимаси таҳлили мисолида келтириб ўтмоқчимиз:

Жой номлари ҳам бадиий асардаги тарихий ва миллий ўзига хосликни таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. “Бобурнома”да жой номлари, географик топонимлар жуда кўп. Таржимашуносликда жой номлари таржимаси масаласини асосан реаллар таржимаси соҳасида ўрганилади. Уларни бир-тигдан иккинчисига ўтириш масаласига келсак, асосан *транскрипциялаш* тамойилидан фойдаланилади. Айрим ўринларда эса жой номлари таржимасида умумий қабул қилинган қоидалардан четга чиқиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Жумладан “Бобурнинг Хўжандга қайтиши” деб номланувчи фаслида шундай ўринлар бор:

Табдилда: “Хон ҳам лашкар тортиб Оҳангарон тоғ этаги билан келиб, Кандирлик довоининг тубига тушганда мен Хўжанддан бориб, хон тоғамни кўрдим.” (61-бет)

Таржимада: Als der Khan, der mein Onkel mütterlicherseits war, sein Heer durch das Tal von Ahangaran (Tal der Schmiede) geführt und sein Lager am Fuße des Kenderlik-Passes aufgeschlagen hatte, rückte ich ihm von Khodjend aus entgegen und traf mich mit ihm. (S.84)

Маъноси: Тоғам бўлиш хон ўз қўшинларини Оҳангарон (темирчилар водийси) водийсидан олиб ўтиб, Кандерлик довоини этагида чодир тортиганидан кейин мен унга Хўжанддан пешвоз чиқиб, у билан учрашдим.

Таржима тўғри ва аслиятга мос келади. Аммо ҳозир ҳам Оҳангарон шаҳрининг мавжудлиги ва у Ангрэн водийсида жойлашганлигини унутмаслик керак. Ва бу ерда *Темирчилар водийси* эмас балки *Ангрэн водийси* деб берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари мазкур жой номини *Ahangaran* тарзида эмас балки *Ohangaron* деб транскрипция қилиш тўғрироқдир.

Юқорида таъкидлаганимиздек “Бобурнома”да жой номлари ва географик ўринлар кўп учрайди. Таржимон имкон қадар жой номларини ўқувчига аниқ ва тушунарли беришга ҳаракат қилган ва бунинг учун қавс ичида изоҳ ҳам бериб кетган. Натижада таржима мақсадига эришган. Бунга мисол тарзида қуйидаги лавҳани келтириш мумкин.

Табдилда: “Ўш шаҳри ҳақида кўп овозалар бор. Қўрғоннинг шарқи жанубида бир кўркам тоғ қад ростлаган. Барокўҳ деб номланади. Бу тоғнинг чўққисидан Султон Маҳмудхон бир хужра солган. У хужрадан қуйироқда, ушбу тоғнинг тумшугида тўққиз юз иккинчи йили (1494) мен бир айвонли хужра солдим. Гарчи у хужра юксакроқда бўлсада, бу хужра ҳам кўп яхши жойда қад кўтарган: бутун шаҳар ва маҳаллалар яққол кўриниб туради.” (13 бет)

Таржимада: Das Aussehen und die Schönheit von *Osch* werden in vielen Legenden erwähnt. Südöstlich der Festung von *Osch* erhebt sich ein wohlgeformter Berg der *Bara-Kuh* (heute Takhti-Sulaymon) heißt. Sultan Mahmud Khan (ein Onkel mütterlicherseits von Babur) hatte auf dem Gipfel des Bara-Kuhs einen Pavillon erbauen lassen. Unterhalb davon habe ich im Jahr 902 (1496) auch einen Pavillon mit Terasse errichten lassen. Obwohl der Pavillon von Sultan



Mahmud Khan sich in höherer Lage befindet, wurde der von mir gebaute Pavillon besser angelegt. Man kann vom hier aus die ganze Stadt und die Vorstädte überschauen. (S.18)

Маъноси: Ўшнинг кўриниши ва гўзаллиги кўп ривоятларда айтилган. Ўш қалъасидан жанубий-шарқ томонда шакли чиройли тоғ бор, унинг номи Бара-Кух (*бузунги кунда Тахти Сулаймон*). Султон Маҳмудхон (Бобурнинг тоғаси) Бара-Кух чўққисида шийпон қурдирган. 902(1496)йили унинг пастроғида мен ҳам айвонли шийпон қурдирдим. Султон Маҳмудхоннинг шийпони баландроқ жойлашган бўлсада, мен қурдирган шийпон қулайроқ ўрнатилган. Бу ердан бутун шаҳар ва шаҳар атрофларини кўриш мумкин.

Албатта таржимоннинг жой номларига изоҳ ва қўшимча (*“Бара-Кух (бузунги кунда Тахти Сулаймон)”*) маълумотлар бериши, уни Ўрта Осиё тарихини яхши билишидан далолатдир.

Асар таржимасида айрим камчиликлар бўлишига қарамасдан *“Бобурнома”*нинг мазкур таржимаси аввалги таржималарга қараганда мукамал амалга оширилган дейиш мумкин.

Хуллас *“Бобурнома”* асарининг асл ўзбек тилидаги нашридан немис тилига янги таржимасининг амалга оширилганлиги аввало, юртдошимиз, буюк салтанат асосчиси, олим ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосининг жаҳон шарқшунослари томонидан яна бир бор эътироф этилганлигини кўрсатади. Ҳамид Далов амалга оширган янги немисча нашрни бир бор ўқиб чиқиб, унда аслиятдаги кўплаб миллий ва тарихий аҳамият касб этадиган хос сўзлар (реалиялар)ни, хусусан Бобур ва бобурийлар даврига оид лавҳаларни қайта яратишда аввалги таржималарга нисбатан анчагина ижобий ишлар қилинганлигини кўриш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. А.Х.Турсунов. К вопросу об интерпретация исторической личности Бабура в немецкой литературе. <https://elibrary.ru/item.asp?id=37355318>
2. ShaikhZainu'd-din of Khawai. *“Tabanqat-i-Baburi”*. – London, 1872.
3. Payanda-Hasan of Ghazni and Muhammad-Quli of Hisar. *“Waqeat-i-Baburi”*, 994 (1586).
4. Abdur-rahimmirza, *Waqi-at-iBaburi*. 998 (1590).
5. Саломов Ғ., Комилов Н., Отажонов Н., З.Салимова. Таржимон маҳорати. – Тошкент: Фан, 1979. – Б.91.
6. Комилов Н. *“Бобурнома” таржималари*. // Гулистон, 1977, №3. – Б. 28.
7. History of India under the first two soverrings of the House of Taimur-Babur and Humayun. By W.Erskine. in two vols, London, 1854; Life of Babar. By W.Erskine, in two vols, London, 1854.
8. Memories of Zahir-ed Din Muhammad Babur, Emperor of Hindustan written by himself in the Jagatai Turki and translated partly by the late Leyden Dohn, Esq., M.D., partly by William Erskine. Esq, London, 1826.
9. The Life of Babur. Cfldecott R.M. London, 1844.
10. Beveridge A.S. The Memories of Babur, a new translation incorporating Layden and Erskin’s of A.D., 1826,London., 1912, idem. The Babar-name in English, London, 1922.



11. Denkwürdigkeit des Seher-Edden Muhammed Baber, Kaiser's von Hindustan, von ihm selbst im Dschagatai-Turkischen verfasst und nach der englischen Uebersetzung des Dr.Leyden und W.Erskine deutsch bearbeitet von Kaiser A., Leipzig, 1828.
12. The Baburnama.Memories of Babur..Prince and Emperor. Translated, edited and annotated by Wheeler M.Tackston, New-York & Oxford, 1996.
13. Eiji Mano. Babur-nama (Vaqa'yi). Critical Edition based on Four Chagatay Texts with Introduction and Notes. – Kyoto :Shokado, 1995.
14. Dictionnaire turk-oriental, destine principalement a faciliter la lecture des ouvrages de Baber, d'Aboul-Gazi et de Mir-Ali-Chir-Nevai, par. M.PavetdeCourteille. Paris, 1870.
15. Babur. Die Erinnerungen des Ersten Großmoguls von Indien. Manesse Verlag. Zürich. 1983. S.910.

### **ЕСЕНИН И «ВОСТОЧНАЯ ТЕМА»**

Чжен Елена Витальевна, доцент кафедры русского литературоведения НамГУ,  
Хусниддинов Хумоюн Хусниддин угли, магистрант отделения русского языка и  
литературы НамГУ

***Аннотация:** Статья посвящена раскрытию «восточной темы» в творчестве русского поэта Сергея Есенина, своеобразию его творчества и личным мотивам в освещении Востока.*

***Ключевые слова:** Ориенталистика, «восточная тема», «Персидские мотивы», есенинский гуманизм, игра воображения.*

### **YESENIN VA "SHARQ MAVZUSI"**

Chjen Yelena Vitalevna, NamDU rus adabiyoti kafedrasida dotsenti,  
Husniddinov Xumoyun Husniddin o'g'li, NamDU rus tili va adabiyoti yo'nalishi  
magistranti

***Annotatsiya:** Maqola rus shoiri Sergey Yesenin ijodidagi "Sharq mavzusi" ni ochib berishga, uning Sharqni yoritishdagi ijodi va shaxsiy motivlarining o'ziga xosligiga bag'ishlangan.*

***Kalit so'zlar:** Oriyentalizm, "Sharq mavzusi", " Fors motivlari", Yesenin gumanizmi, tasavvurlar o'yini.*

### **YESENIN AND "EASTREN THEME"**

Chjen Yelena Vitalevna, associate professor of the Department of russian literary studies,  
NamSU

Husniddinov Xumoyun Husniddin ugli, master's student of the Department of russian  
language and literature, NamSU

***Annotation:** The article is devoted to the disclosure of the "Eastern theme" in the work of the Russian poet Sergei Yesenin, the originality of his work and personal motives in the coverage of the East.*

***Keywords:** Orientalism, "Eastern theme", " Persian motives", Yesenin's humanism, game of imagination.*

Ориенталистика, то есть интерес к Востоку - давняя благородная традиция русской классической литературы. Многие поэты и писатели интересовались восточной



11. Denkwürdigkeit des Seher-Edden Muhammed Baber, Kaiser's von Hindustan, von ihm selbst im DschagataiTurkischen verfasst und nach der englischen Uebersetzung des Dr.Leyden und W.Erskine deutsch bearbeitet von Kaiser A., Leipzig, 1828.
12. The Baburnama.Memories of Babur..Prince and Emperor. Translated, edited and annotated by Wheeler M.Tackston, New-York & Oxford, 1996.
13. Eiji Mano. Babur-nama (Vaqayi). Critical Edition based on Four Chagatay Texts with Introduction and Notes. – Kyoto :Shokado, 1995.
14. Dictionnaire turk-oriental, destine principalement a faciliter la lecture des ourages de Baber, d'Aboul-Gazi et de Mir-Ali-Chir-Nevai, par. M.PavetdeCourteille. Paris, 1870.
15. Babur. Die Erinnerungen des Ersten Großmoguls von Indien. Manesse Verlag. Zürich. 1983. S.910.

### ЕСЕНИН И «ВОСТОЧНАЯ ТЕМА»

Чжен Елена Витальевна, доцент кафедры русского литературоведения НамГУ,  
Хусниддинов Хумоюн Хусниддин угли, магистрант отделения русского языка и  
литературы НамГУ

*Аннотация:* Статья посвящена раскрытию «восточной темы» в творчестве русского поэта Сергея Есенина, своеобразию его творчества и личным мотивам в освещении Востока.

*Ключевые слова:* Ориенталистика, «восточная тема», «Персидские мотивы», есенинский гуманизм, игра воображения.

### YESENIN VA "SHARQ MAVZUSI"

Chjen Yelena Vitalevna, NamDU rus adabiyoti kafedراسи dotsenti,  
Husniddinov Xumoyun Husniddin o'g'li, NamDU rus tili va adabiyoti yo'nalishi  
magistranti

*Annotatsiya:* Maqola rus shoiri Sergey Yesenin ijodidagi "Sharq mavzusi" ni ochib berishga, uning Sharqni yoritishdagi ijodi va shaxsiy motivlarining o'ziga xosligiga bag'ishlangan.

*Kalit so'zlar:* Oriyentalizm, "Sharq mavzusi", " Fors motiolar", Yesenin gumanizmi, tasavvurlar o'yini.

### YESENIN AND "EASTREN THEME"

Chjen Yelena Vitalevna, associate professor of the Department of russian literary studies,  
NamSU

Husniddinov Xumoyun Husniddin ugli, master's student of the Department of russian  
language and literature, NamSU

*Annotation:* The article is devoted to the disclosure of the "Eastern theme" in the work of the Russian poet Sergei Yesenin, the originality of his work and personal motives in the coverage of the East.

*Keywords:* Orientalism, "Eastern theme", " Persian motives", Yesenin's humanism, game of imagination.

Ориенталистика, то есть интерес к Востоку - давняя благородная традиция русской классической литературы. Многие поэты и писатели интересовались восточной